



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг тақлифига биноан 22 август куни «Озарбайжон – Туркменистон – Ўзбекистон» форматидаги уч томонлама саммитда иштирок этиш учун амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

«Аваза» миллий сайёҳлик зонасида бўлиб ўтган тадбир кун тартибига мувофиқ, кўп томонлама ҳамкорлиқни, энг аввало, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика ва гуманитар соҳаларда ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Қатор қўшма ҳужжатлар имзоланди.

Давлатимиз раҳбари саммит доирасида икки томонлама музокаралар ҳам ўтказди.



22 август куни юртимизда «Обод ва файзли маҳалла – юрт кўрки» шиори остида умум-халқ хайрия ҳашари бошланди.

Мазкур тадбир бугун – 23 август куни ҳам давом этади.



Хитойнинг Хунан провинцияси вице-губернатори Ван Жуншоу бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ташриф давомида Zoomlion Agriculture Machinery Co., Ltd. (Хитой) ва «Oxus Machinery» (Ўзбекистон) компаниялар гуруҳи ўртасида технологик ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланди ҳамда Zoomlion тракторларини мамлакатда маҳаллийлаштириш дастурининг учинчи босқичи тантанали равишда очиб берилди.



СЎЛИМ ГЎШАДАГИ ГЎЗАЛ ОРОМҒОҲ

Поп-таннинг тоғ-этакларида жойлашган Чодак қишлоғи гўзал табиати ва ажойиб иқлими билан сайёҳларни ўзига тартади. Бу ердаги ҳарорат водийга нисбатан 12-15 даража пастроқ. Чодак ўзининг тарихи, табиий булоқлари ва муқаддас жойлари билан машҳур.

Маскан «сайёҳлик қишлоғи» сифатида рўйхатга олинган. Бу мафтункор ҳудудда меҳмон уй-

лари, дам олиш марказлари ва гастрономик туризм объекти мавжуд. Мавсум давомида хориждан ва бутун республикамиз бўйлаб юз минг нафаргача меҳмонлар келишади.

Яқинда у ерда «Офтобча» болалар соғломлаштириш оромгоҳи бунёд этилди. Замонавий андозаларга мос қурилган масканда мавсум давомида 800 нафар ўқувчи дам олишига шароитлар яратилган.

Оромгоҳнинг очилиш маросимида Наманган вилояти ҳокими Шавкат Абдураззоков рамзий калитни топширди. Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти вакиллари йиғилганларни яна бир қувонч улашувчи маскан билан қутлади.

Барча қўлайликларга эга мажмуа Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан бунёд этилиб, унда пудратчи корхона «Ўзғариш қурилиш» МЧЖ томонидан 32,5 миллиард

сўмлик капитал қурилиш ишлари олиб берилди.

Сўлим гўшада замонавий шарт-шароитларга эга бўлган ётоқхона, фан, бадий ижодиёт, спорт-соғломлаштириш тўғрақлари, ижодий фестиваллар ва кўргазмалар ҳамда спорт мусобақалари ўтказиш имкониятлари мавжуд. Футбол, волейбол, баскетбол, бадминтон, стол тенниси, компьютер тўғрақлари, жисмоний машқлар майдончаси, бассейн, 200 ўринли ошхона ва амфитеатр бугун болажонлар ихтиёрида.

Эътиборли жиҳати, Наманган вилоятида департамент тасарруфидаги 9 та оромгоҳда 6 минг 520 нафар, шунингдек, 67 та соғломлаштириш майдончаларида 10 минг нафар 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг мароқли дам олишлари ташкил этилган.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

КАСАБА УЮШМАСИ АРАЛАШГАЧ...

ЎЗ ВАЗИФАСИГА ТИКЛАНДИ

Сайхунбод туманидаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактабида мусиқа асбобларини таъмирловчи вази-фасида ишлаётган Эътибор Раҳимова ўзи билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганидан норози бўлиб, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашига мурожаат қилди.

Ҳолат мактаб раҳбарияти иштирокида ҳужжатлар асосида ўрганилганда қонунбузилишига йўл қўйилгани маълум бўлди. Яъни Эътибор Раҳимова уч ой иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлган вақтда у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Шунга кўра, иш берувчи номига ходимни ўз вазифасига тиклаш юзасидан тақдимнома киритилди. Аммо иш берувчи тақдимномага ижобий ёндашмади, жавоб хати ҳам бермади. Шундан сўнг фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суд иш берувчи томонидан чиқарилган буйруқни ғайриқонуний деб топди. Эътибор Раҳимова ўз вазифасига тикланиб, мажбурий бекор юрган кунлари учун 3 264 535 сўм ундириб бериладиган бўлди.

Ширинхон УМАРАЛИЕВА,
Ўзбекистон касба уюшмалари
Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши
меҳнат ҳуқуқ инспектори

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида кунун турли фаолият кўрсатадиган

1211

рақамли
«Ишонч телефони»,
яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида,
олис ва чекка қишлоқларида
яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича
исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Тармоқ касба уюшмалари Республика кенгашлари раислари ва раис ўринбосарлари лавозимларига яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловлар натижалари тўғрисида МАЪЛУМОТ

2-, 3-саҳифаларда ўқинг...

Қирғиз Республикасининг Иссиқкўл вилоятида жойлашган «Bo'ston Resort» дам олиш масканида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 10 нафар профессор-ўқитувчиси дам олишди.

— Икки давлат раҳбарларининг яхши қўшничилик руҳидаги сайёҳаракатлари натижасини кўзимиз билан кўриб қувондик, — дейди тарих факультети профессори Равшан Турсунов. — Масканда ҳордиқ

ДЎСТЛИК СИҲАТГОҲИДА ДАМ

■ ХОРДИҚ



чиқариб, ўзига хос янги ғоялар билан қайтдик.

Ўзбекистон касба уюшмалари ҳаракатининг 120 йил-

лик байрамига ажойиб тўхфа бўлган мазкур дам олиш маскани нафақат минтақа туризмининг ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, балки илм йўлидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, халқларимизнинг азалий биродарлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади, албатта.

Олимжон ХУДОЙНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Миллий университети касба уюшмаси қўмитаси раиси



ТАРМОҚ КАСАБА УЮШМАЛАРИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШЛАРИ РАИСЛАРИ ВА
РАИС ЎРИНБОСАРЛАРИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ ЙЎЛИ
БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВЛАР НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ


№	Лавозимга номзоднинг Ф.И.Ш.	Фото	Лавозими	Номзодни ёқлаб овоз берганлар (%)
Ўзбекистон авиация ходимлари касаба уюшмаси				
Кенгаш раиси лавозимига				
1	Муллабеков Алишер Нурмахматович		Ўзбекистон авиация ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси	82,9
2	Алланиязов Рашид Халмурзаевич		Нукус халқаро аэропорти Парвозлари ёритиш-техник таъминоти муҳандиси	17,1
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Каримов Абдурахим Санжар ўғли		Ўзбекистон авиация ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари	91,5
2	Аъзамов Ҳамиджон Раҳмат ўғли		Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги Гидрометеорологик кузатувлар ва атроф-муҳит сифати мониторинг бошқармаси Агрометеорологик кузатувлар ва прогнозлар бўлими бошлиғи	8,5
Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси				
Кенгаш раиси лавозимига				
1	Абдуалимов Эшмирза Уралович		Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси	92,5
2	Холмуродов Жовли Норбоевич		Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси	7,5
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Бозоров Тўхта Шарипович		Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари	91,9
2	Жавҳаров Алишер Баҳодирович		Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Наманган вилояти бўйича масъул ташкилотчиси	8,1
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Байниязов Эркин Бозорович		Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари	88,1
2	Шакиров Иномжон Данаевич		Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси	11,9
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Бегматов Хусан Эгамкулович		Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари	88,8
2	Соатов Ўткир Ражабович		Тошкент давлат аграр университети «Умумий зоотехника ва ветеринария» кафедраси профессори, жамоатчилик асосида касаба уюшмаси қўмитаси раиси	11,2




№	Лавозимга номзоднинг Ф.И.Ш.	Фото	Лавозими	Номзодни ёқлаб овоз берганлар (%)
Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси				
Кенгаш раиси лавозимига				
1	Ишанходжаев Асрор Асламович		Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси	94,6
2	Матъякубов Мирза Нурметович		Рақамли технологиялар вазирлиги Почта алоқаси бўлими бошлиғи, жамоатчилик асосида касаба уюшмаси қўмитаси раиси	5,4
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Ахмедов Анвар Акмалович		Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари	90,3
2	Саримсоков Кахрамон Одилхонович		«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Кадрлар билан ишлаш ва малакасини ошириш бўлими бошлиғи	9,7
Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси				
Кенгаш раиси лавозимига				
1	Абдумухторов Анваржон Акрамжонович		Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси	93,3
2	Суёркулов Азизбек Жамолиддинович		Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси	6,7
Кенгаш раисининг биринчи ўринбосари лавозимига				
1	Мирзаев Одил Алимович		Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари	83,8
2	Давлатов Муҳаммад-Беҳзод Алишер ўғли		Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши аппаратининг Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири	16,2
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Салихов Абдугаппар Мухтарович		Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари	86,3
2	Худайбергенов Зафарбек Рустамович		Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши аппарати Ахборот-таҳлил бўлими мудири	13,7
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Махбубов Мансуржон Мирожидинович		Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари	89
2	Рахматов Толиб Камилжанович		Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши аппарати Матбуот хизмати раҳбари	11

№	Лавозимга номзоднинг Ф.И.Ш.	Фото	Лавозими	Номзодни ёқлаб овоз берганлар (%)
Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси				
Кенгаш раиси лавозимига				
1	Алимджанова Нигора Адхамовна		Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси	90
2	Алимов Диёр Абдумаликович		«Биринчи резинотехника заводи» масъулияти чекланган жамияти хорижий компанияси касаба уюшмаси қўмитаси раиси	10
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Исоқов Иброҳим Дониёр ўғли		Ўзбекистон кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари	85,3
2	Усмонова Муҳаббат Каримовна		«Аммофос-Максам» акциядорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси	14,7
Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси				
Кенгаш раиси лавозимига				
1	Мусаев Атабек Элбекович		Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси	90,2
2	Джураев Отабек Алимович		Ўзбекистон давлат драма театри директори	9,8
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Ахмедова Одинахон Азизовна		Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари	85,2
2	Акбутаева Махбуба Алишеровна		Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти бирлашган қўмитаси раиси	14,8
Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси				
Кенгаш раиси лавозимига				
1	Усмонов Таълат Субҳонкулович		Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси	69
2	Каримов Улуғбек Орифжанович		«UzChas» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси	31
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Исраилов Шаикром Шаумарович		Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари	78,6
2	Файзихужаев Баҳром Ботир ўғли		«Uzkabel» акциядорлик жамияти қўшма корхонаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси	21,4
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Султонов Баҳодир Фазилович		Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари	65,5

ТАРМОҚ КАСАБА УЮШМАЛАРИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШЛАРИ РАИСЛАРИ ВА РАИС ЎРИНБОСАРЛАРИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ ЙЎЛИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВЛАР НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

№	Лавозимга номзоднинг Ф.И.Ш.	Фото	Лавозими	Номзодни ёқлаб овоз берганлар (%)
2	Уразбаев Улуғбек Абдулахатович		«Жиззах аккумулятор заводи» акциядорлик жамияти ходимлари бошқариш бўлими катта инспектори, жамоатчилик асосида касаба уюшмаси қўмитаси раиси	34,5
Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси				
Кенгаш раиси лавозимига				
1	Хананияев Фарходжон Рахманович		Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси	96,9
2	Кадирова Муяссар Джумаевна		Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилояти Кенгаши раиси	3,1
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Тохтаева Гузал Кашибовна		Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари	96,2
2	Эшова Айджамал Рузбаевна		Тошкент тиббиёт академиясининг Кўп тармоқли клиникаси маслаҳат поликлиникаси шифокор терапевти, жамоатчилик асосида касаба уюшмаси қўмитаси раиси	3,8
Ўзбекистон тadbirkorлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси				
Кенгаш раиси лавозимига				
1	Мухамедов Улуғбек Зийдуллаевич		Ўзбекистон тadbirkorлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси	86,7
2	Тангриев Уктамжон Зиядуллаевич		Ўзбекистон тadbirkorлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти бирлашган қўмитаси раиси	13,3
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Кадиров Шавкатжон Жумабоевич		Ўзбекистон тadbirkorлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари	75,5
2	Абдуллаева Мукадас Эркинаевна		Ўзбекистон тadbirkorлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси раиси	24,5
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси				
Кенгаш раиси лавозимига				
1	Бедилов Равшан Мэлсович		Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси	93,4
2	Маматкулов Абдурашид Вахидович		Тошкент «Сингапур халқаро мактаби»нинг стратегик масалалар бўйича маслаҳатчиси	6,6
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Бабаяров Махмуд Хамитович		Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари	68,4
2	Яратов Жамил Василович		Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси	31,6

№	Лавозимга номзоднинг Ф.И.Ш.	Фото	Лавозими	Номзодни ёқлаб овоз берганлар (%)
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Жавлонов Шавкат Сардорovich		Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари	59,6
2	Жўраев Шерзод Султанбаевич		Ўзбекистон Фанлар академияси Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси	40,4
Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт курувчилари касаба уюшмаси				
Кенгаш раиси лавозимига				
1	Сабиров Кутлимурат Сабирович		Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт курувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси	91,4
2	Джумаев Муродулло Усмонович		«Бухоро минтақавий темирйўл узели» филиали ҳудудий касаба уюшмаси қўмитаси раиси	8,6
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Розиметов Махмуд Хабибуллаевич		Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт курувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари	98,6
2	Тухтаматов Орифжон Рихсибаевич		«Тошкент минтақавий темирйўл узели» филиали ҳудудий касаба уюшмаси қўмитаси раиси ўринбосари	1,4
Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси				
Кенгаш раиси лавозимига				
1	Нугманов Абдулла Курбанович		Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси	94,4
2	Сафаров Зулпан Абдусаматович		Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти Кенгаши раиси	5,6
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Мухамедханов Шухрат Санжарович		Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари	79,4
2	Неъматов Шерзод Сирожддин ўғли		Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши аппаратининг Ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси	20,6
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Деҳканов Нодир Шухратович		Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари	75,4
2	Бабаев Карим Нартаевич		Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти Кенгаши раиси	24,6

№	Лавозимга номзоднинг Ф.И.Ш.	Фото	Лавозими	Номзодни ёқлаб овоз берганлар (%)
Ўзбекистон энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси				
Кенгаш раиси лавозимига				
1	Курбанов Шухрат Тураевич		Ўзбекистон энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси	96
2	Бобохонов Бахтиёр Анварович		«O'ztransgaz» акциядорлик жамияти бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси	4
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Тухтаев Саидмурод Саидмахмудович		Ўзбекистон энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари	89,6
2	Юсупов Акбар Қаххорович		Ўзбекистон энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси	10,4
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Исмоилов Ойбек Исанович		Ўзбекистон энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари	89,3
2	Ўринов Илхомжон Мамадалиевич		«Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси	10,7
«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ ходимлари касаба уюшмаси				
Кенгаш раиси лавозимига				
1	Хайдаров Абдирашид Джайнакович		«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси	80,8
2	Маткаримова Фароғат Абдусаматовна		«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти Ижтимоий объектлар бошқармаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси	7,7
3	Холиқов Машраб Каюмович		«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти «Нефть маҳсулотлари таъминоти» бошқармаси бошлиғи	11,5
Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимига				
1	Бекназаров Аманкул		«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси ўринбосари	66,8
2	Артикбаев Улуғбек Эшбаевич		«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти Саноат темирйўл транспорт бошқармаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси	17,9
3	Джураева Асибе Уктамовна		«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти Технологик транспорт бошқармаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси ўринбосари	15,3

«ҚИЁСИНГНИ ТОПМАДИМ АСЛО...»

2022 йил, 27 май. Истанбул шаҳридаги ҳашаматли меҳмонхоналардан биридамиз. Ҳавас қиларли даражада қулайлик, шинам, саранжом-саришта хона. Ҳаво жуда иссиқ ҳам, салқин ҳам эмас, тахминан 26-27 даража илиқ. «Юрган дарё, ўтирган бўйра», деганларидек, турк диёрини кўрмоқ истаб, сайёҳлик компаниясидан тўққиз кунлик сафарни расмийлаштирганмиз.

Бизга бириктирилган гид Эмрах биринчи кун ўз ихтиёримизда эканлигини маълум қилди. Нарсалари-мизни жойлаб, пастга тушдик. Истанбул шаҳрига шом чуқаётган бир паллада меҳмонхонадан сал наридаги чоғроққина қаҳвахонага кирдик, чойхўрлик қилмоқчимиз: қўлимизда қуруқ мева, кўк чой.

ЕМАКХОНАГА КИРИШИМИЗ БИЛАН БИЗНИ ЁШ-ГИНА ТУРК ҚИЗИ ҚАРШИ ОЛДИ. СТОЛГА ЎТИРГАН, ЧАМАСИ ЎН ДАҚИҚАЛАР ЎТГАН, У БИЗ УЗАТГАН ҚУРУҚ ЧОЙНИ ТЕФАЛЬ ҲАЖМИДАГИ ТЕМИР ЧОЙНАККА СОЛИБ, ОЛДИМИЗГА ҚЎЙДИ. МАЙИЗ, ЁНҒОҚДАН ҚИЗГА УЗАТДИК, У ЛАБИДА ТАБАССУМ БИЛАН ЎЗ ТИЛИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ МЕВАСИНИ МАҚТАДИ.

Чойни «майдалаб», мезбон қиз билан суҳбатлашгандай бўлиб, бир соатча ўтирдик. Турк тили ўзбекчага қайсидир сўзлари билан ўхшаш эмасми, бир-биримизни тушуниш қийин кечмасди. Ҳисоб-китоб қилиш мавриди келди, сотувчи хизмат нархи икки юз лира бўлганини айтиди. Ажабландим. Икки юз лиранинг сўмга нисбатан қиймати қанча эканини билмасам-да, қимматроқ туюлди. Бунинг устига биз ундан бир литр қайноқ сув олдик, холос.

Эртаси кунни ўзбекистонлик қирқ тўрт кишидан иборат саёҳатчилар гуруҳи бир жойга тўпландик. Қападокия шаҳрига йўл олиш арафасида мен гидга юзландим:

— Икки юз лира неча доллар бўлади?

У икки юз турк лирасининг ўн икки долларга тенг эканини айтганида, тўғриси, тепа сочим тикка бўлиб кетди. Шунча долларнинг сўмдаги қиймати ўша кезда бир юз ўн икки минг сўмга тенг келарди. Буни қаранг-а, биз 112 минг сўмга бир литр чой ичибмиз. Шунақаси ҳам бўларкан-да! Кўз ўнгимдан Ўзбекистоннинг ошхона-ю чойхоналари ўта бошлади: баъзиларида чой текин! Менга алам қилгани — аслида, истанбуллик ойимча бизга бир литр қайноқ сув берди, холос. Балки у чет эллик сайёҳлар нимани ҳам биларди, деб бизни чув туширгандир, бу ёғи Аллоҳга аён. Нима бўлганда ҳам, юрт кезсанг, Ватанин кўмсайсан, уни ўша давлат билан таққослайсан, устун жиҳатларига тан берасан...

САНКТ-ПЕТЕРБУРГДА УЧ КУН

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида дунёдаги машҳур музейлар ўнтаклигига кирган «Эрмитаж»

бор. Уч қаватли бу қошона гўёки «лабиринт», айланиб-айланиб, томоша қилиб чиққан залга яна кириб қолишингиз мумкин. Музей ўрта асрларда европалик рассомлар чизган картина ҳамда мўъжазгина ҳайкалларга тўла. Маълумотларга қараганда, Россия ҳукмдори Пётр I бу ерга энг сара картина ва ҳайкалларни келтирган экан.

2023 йилнинг 13-17 июнь кунлари бизга ана шу қадимий шаҳарнинг кўҳна музейида бўлиш имконияти насиб этди. Музей узунлиги 74 километр, ҳавза майдони 281 минг километр-квадрат бўлган Нева дарёси қирғоғида жойлашган. Музей келувчиларни дарё бўйида теплоход ва моторли қайиқлари кутиб туради. Дарёни томоша қилиб бўлганлар эса бир ҳатлаб, музейга қадам ранжида қилади.

Ҳақиқатан ҳам, Санкт-Петербург қадимий, сокин ва тинч шаҳар. Сайёҳлар эътиборини ўша машҳур «Эрмитаж» тортмасдан қолмайди. Шаҳар кўчалари равон, текис, тирбандлик ҳам йўқ эмас. Қўндек чех трамвайини кўрдик. Йўловчиларни манзилга етказиб қўётган яна бир транспорт тури — метрополитен станциялари тонгдан ярим тонга қадар гавжум. Энг чўқур станция — «Адмиралтейская» бўлиб, у 86 метр чуқурликда жойлашган, у Россиядаги энг чўқур станция ҳисобланади.

Эсимда йўқ, метронинг «Мужество» станциясимиди, бири кириб, бири тушган бекатда йўловчилар ўзи билан ўзи овора. Сочи оппоқ мўйсифидни кўрса ҳам, йўловчи рус йигит кўзини юмиб олди. Ҳалиги киши оёғи толиққаниданми, танасининг бир томони оғирлигини иккинчи тарафига юклагандек бўлиб, қийшайиброқ вагоннинг тепа темиридан ушлаб олди. Унга раҳми келди чоғи, бир аёл нарироқда бўлса ҳам, ўрнидан туриб жой кўрсатди. Қарасам, ўша аёл ўзбекка ўхшади.

Ҳа, ўзбек қаерда бўлмасин, ўз-лигини намоён қилади. Ўзбекона одамийлик, ўзбекона қадриятлар фақат бизда, уни бошқа юрда топанам, деб овора бўлман!

СУБТРОПИК ЎЛКАДА ГУВОҲ БЎЛГАНМ...

«Тошкент — Тбилиси» авиарейси роппа-роса уч соату йиғирма дақиқа ўтиб, субтропик ўлка пойтахти — Тбилиси аэропортига кўнди. Сайёҳлар орасида нафақат Тошкент, балки турли вилоятлик юртдошларимиз бор. «Турпакет»нинг тўрт кунни Тбилиси, тўрт кунни Батумига мўлжалланган. Субтропик ўлкада афсонавий ва дунё харитасида кенг масштабни эгалловчи Қора денгиз мавжланиб оқади. Очиғи, дунё сайёҳларини



ана шу улкан денгиз ўзига чорлаши — бор гап.

Тбилиси шаҳрида бундан бир аср муқаддам қурилган кўҳна ҳовлилар мавжуд. Уй эгалари эскириб кетган бошпанада яшаш учун турли мосламалар ўрнатгани-ей... Омонатгина турган ҳовлиларда ёши бир жойга бориб қолган чол-кампирлар яшайди. Ажабланарлиси, шаҳар кўчаларида асосан, ёши улуг кишиларни кўрдик. Бола етаклаб юрган ёки гўдагини аравачага жойлаган ёш оналар деярли йўқ. Бу нимадан далолат берад экан, деган савол кўнглидан ўтади, албатта.

Ўзбекистонлик сайёҳларга Тбилиси тарихи, географик жойлашуви, санъати ва маданияти ҳақида маълумот етказиб беришга масъул гид — Наталья Павлишвили худди шу нарсани сезгандек, сўз бошлади:

— Грузияда туғилиш жуда қаммайиб кетган. Сўнгги маълумотларга қараганда, унинг умумий аҳолиси уч миллион етти юз минг кишини ташкил этмоқда. Шундан ўн икки фоизи, ҳаттоки муҳожирлар ҳиссасига тўғри келади. Ҳукумат томонидан маҳаллий аҳоли сонини кўпайтириш чоралари қўриляпти.

БАТУМИ ШАҲРИДАГИ БОЗОРЛАРДАН БИРИНИ АЙЛАНДИК. ХАРИДОР У ДАРАҲАДА КЎП ЭМАС. САВДО РАСТАЛАРИ ҲАМ БИЗНИНГ БОЗОРЛАРИМИЗДАГИ КАБИ МАҲСУЛОТГА ТўЛИБ-ТОШМАГАН. ЮРТИМИЗ БОЗОРЛАРИДАГИ ТўКИН-СОЧНИК, БАРАКА БЕИХТИЁР ХА-ЁЛИНГИЗДАН ЎТАДИ. АЙНИҚСА, ОЛТИН КУЗ ФАСЛИДА БОБО ДЕҲҚОННИНГ «ГАЛВИРИ» СУВДАН КўТАРИЛСА БОРМИ, БУТУН ШАҲАРЛИКЛАРНИНГ РИЗҚИДАН ОРТГАНИ ҚАЙСИДИР ДАВЛАТЛАРГА ЭКСПОРТ ҲАМ ҚИЛИНАДИ, БИЛАСИЗ. ЭҲ, ЎЗБЕГИМ, БОБОДЕҲҚОНИМ, ЕРГА МЕҲРИНГНИ БЕРИБ, БУТУН ЭЛИНГНИ ТўЙДИРАСАН, ОФАРИН СЕНГА, ДЕГИМ КЕЛДИ БАТУМИ БОЗОРИНИ АЙЛАНА ТУРИБ.

Уч давлат, уч манзара... Уларга юртимизни қиёсладим. Ҳеч бирига алишмадим Ўзбекистонни! Бор бўлгин, халқим! Дунё харитасида энг устун жиҳатларинг билан буй кўрсатиб тургин!

Хулқар тўйМАНОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
журналист

Бугун ён-атрофимизда рўй бераётган ўзгаришлар, ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижасини кўриб, беихтиёр бир муддат олдинги даврлар эсга тушади. Ҳаёлан ўзгаришларни таққослаб кўрамиз ҳам. Чунки давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги одамлар ҳам, ҳаётимиз ҳам кечагидан фарқ қилади. Яъни кейинги йилларда янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилган ишлар бутун мазмун-моҳияти билан халқ манфаатига қаратилди. «Инсон қадри учун» ғоясига асосланган ишлар айнан шу мақсадга хизмат қилляпти. Сал расмийроқ қилиб изоҳласак, янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлатнинг энг устувор вазифасига айланди. Таърифлар расмий бўладими ёки норасмий, лекин шуниси аниқки, изчил ислохотлар эпкинини ҳар биримиз ўз ҳаётимиз, фаолиятимиз мисолида кўриб, билиб турибмиз, ҳис қилляпмиз.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ

Бизда инсонга эътибор, унга муносиб шароит яратиш ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қанчалик муҳим эканлигини мен бир жиҳатда аққол кўраман. 2023 йилда Президентимизнинг ташаббуси ва умумхалқ муҳокамаси натижасида Янги Ўзбекистоннинг янги таҳрирда қабул қилинган Конституциясининг 1-моддасидеёқ «Ўзбекистон — бошқаруving республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат», дея мустаҳкамлаб қўйилди. Ваҳоланки, олдинги Конституцияимизнинг 1-моддасида «Ўзбекистон суверен демократик республика», деб ёзилган эди. Бу нима дегани? Бундан шунинг аниқлиги мумкинки, ушбу моддага «ижтимоий» деган жумла қўшилди. Яъни демократик, ҳуқуқий, дунёвий давлат саналган Ўзбекистонда энди ижтимоий масалалар Бош қомусда ўз аксини топди. Ижтимоийлик эса кўпроқ одамларга муносабатда намоён бўлади. Шу маънода, янги Ўзбекистонда инсон омили ҳар нарсадан устун қўйилгани, ҳар соҳада олиб борилаётган ислохотлар, аввало, шу мамлакат фуқаролари манфаати учун хизмат қилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Аслида шундай бўлиши ҳам керак. Негаки, инсон ҳуқуқлари ҳар қандай жамиятнинг барқарорлиги, тинчлиги ва адолатли ривожланишининг асосий тоъмоили эканлиги тарихий тажрибаларда ўз аксини топган. Бинобарин, бу тоъмоийл фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш баробарида жамиятда узаро ҳурмат, ишонч ва ҳамкорлик муҳитини ҳам шакллантиришга хизмат қилишини таҳлилчилар кўп таъкидлашган. Шу жиҳатдан олганда, янги таҳрирдаги Конституцияимиз инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлди. Инсон қадри энг олий қадрият сифатида мустаҳкамлаб, таълим олиш, соғлиқни сақлаш, меҳнат қилиш каби ҳуқуқлари кафолатланди.

Ижтимоий давлат бу — катта масъулият ва мажбурият, дегани. Яъни эндиликда давлат ҳар бир фуқаросига муносиб турмуш кечириши учун шарт-шароит яратиб

бериши шарт. Янги Ўзбекистон шу мақсад йўлида дадил одимламоқда. Бунинг учун зарур ҳуқуқий асослар яратилиб, ишлар тизимли йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги «Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони билан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилиб, зиммасига катта вазифалар юклатилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон 2021 йилда Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилди. Бундай шахсларни ишга олган корхона ва ташкилотларга юртимизда бир қатор имтиёзлар бериб келинмоқда.

Яна бир гап. Янги Конституцияимизнинг 21-моддасида ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эгалиги, ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмаслиги қайид этилган бўлса, 44-моддасида қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиланиши белгилаб қўйилди. Биламизки, мажбурий меҳнат нафақат инсон соғлиғи ёки хавфсизлигига, балки жамият ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Чунки мажбурий меҳнат ўз номи билан мажбурий. Бу ҳолда ҳеч ким ихтиёрий ишламайди. Хоҳламай ишлаётганими, демак, унга натижа ҳам муҳим эмас. Бу ҳолдада ҳаммаси юзак, ҳисобот учун юртилади. Бундан наф йўқ. Ажабки, биз кўп йиллар ана шу йўлдан юрдик. Ўқувчи-ю, ўқитувчини, деҳқону зиёлини, талаба-ю, мутахассисни — барчани бирдек пахта даласига ундадик. Етиштирилган пахтани нобуд қилмасдан териб олиш кампаниясига барчани чорладик. Натижада ўқитувчи, ўқувчи, талаба қишга дадала қолиб кетди. Таълим охириги даражадаги иш сифатида орқага ташлаб қўйилди. Мавсумда бу тизимлар фаолияти тўхтаб турди. Ва албатта, бу ишлардан жамият, яъни ўзимиз зарар кўрдик. Қола-

верса, қанча кўп пахта термайлик, уни жаҳон бозори нархида сота олмадик. Тўғридан-тўғри халқаро бозорга олиб чиқа олмадик. Халқаро ташкилотларнинг жараёнда мажбурий, яъни болалар меҳнатидан фойдаланилган, деган важи бунга йўл қўймасди. Ва бу тўғри талаб эди.

«Cotton Campaign» халқаро ташкилоти 2009 йилда ўзбек пахтасига бойкот эълон қилган эди. Мамлакатимизда инсон қадри ва манфаати, ҳуқуқини таъминлаш юзасидан қўрилган чоралар туфайли нихоят 2021 йилга келиб «Cotton Campaign» халқаро коалицияси Ўзбекистон пахтасига бойкотни бекор қилди. Натижада 12 йилдан ортиқ амал қилган тақиқ олиб ташланди.

Ўша кезлар тарқатилган хабар ва маълумотларда Халқаро Меҳнат Ташкилоти мониторинг гуруҳи 2021 йилдаги пахта терими мавсумида Ўзбекистондаги 11 минг теримчи билан суҳбатлашгани, уларнинг 99 фоизи ўз хоҳиши билан ишлаётганини айтгани, ҳудудларда мажбурий меҳнат билан болғик жуда кам ҳолат аниқлангани ёки умуман кузатилмагани қайид этилганди. Бу чиндан ҳам катта ютуқ эди.

Ана шу ислохот ва аниқ мақсадли қарорлар бугун самарасини берапти. Фермер ва кластерларимиз етиштирган пахтасини дунёнинг исталган бурчагидаги ҳамкорига ўзи сотаяпти. Меҳнатидан манфаат қўрапти. Жамиятга, мамлакатга фойда келтиряпти. Мана шу биргина мисол янги Ўзбекистонда инсон қадри қанчалик улугъланаётгани ва Бош қомусимизда келтирилганидек, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонларвар демократик давлатни, очик ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни аниқлатади. Янги Ўзбекистон — инсон манфаати, инсон қадри ҳар нарсадан устун ва улуг бўлган юрт.

Баҳодир МАМАТКАРИМОВ,
мустақил тадқиқотчи

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Муҳаммадjon Каримов ижросида
«ҚАРО ҚЎЗИМ»
қўшиғи
Навоий газали

Қаро қўзум, келу мардумлуг
эмди фан қилғил,
Қўзум қаросида мардум киби
ватан қилғил.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43
Marketing va obuna — (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati — (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati — (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati — (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati — (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Alijon ABDURAHMONOV

Musahhihlar: Dilorom XUDOYBERGANOVA, Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi: Hasan ABDOJALILOV

Bosishga topshirish vaqti — 19:20
Toshlirildi — 19:50

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 076 ta

Shundan: 6 079 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi — Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

18 116 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi — Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

7 881 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi — Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-811

1 2 3 4 5 6